

Экотуризм истиқболлари

Экотуризмни ривожлантириш «Адолат» СДП Самарқанд шаҳар кенгашининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Негаки, сайёҳликнинг бу долзарб соҳаси, унинг тарқиёти ва истиқболлари партия дастуридан ҳам салмоқли жой эгаллаган.



Хўр Ўзбекистоннинг мустақил қомусий йўли

«Жаҳон майдонида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради». Бир сўз билан айтганда, Конституция — Ўзбек давлатини давлат, ўзбек миллатини миллат сифатида дунёга таъширивчи Қомуснома. У — умуминсоний ва миллий ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужасам этган мўътабар ҳуқуқий ҳужжат.



Ичан қалъанинг сўнмас чиройи

Ю.Ишкова шу йилнинг ноябрь ойи ўрталарида «Сони» веб-сайтига Ичан қалъа мажмуаси обидалари акс эттирилган бошқа фотосуратлар жойлаштирилиши мўлжалланган. «Синемафорс» компанияси келгусида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги ЮНЕСКО рўйхатига киритилган меъморий ёдгорликларни ҳам суратга олиш ишларини олиб боришни режалаштираётгани ҳақида маълумот берди.



ADOLAT

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

№ 48
(752)
2009 йил,
20 ноябрь,
жума

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва соҳоват ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониға мувофиқ:

1. 2009 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 27 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 27 ноябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 19 ноябрь

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — САЙЛОВНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
нинг матбуот марказида
«Ошқоралик ва очиқлик —
сайлов кампаниясининг асосий
тамойлари» мавзуда
амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги ҳатти-ҳаракатлари янада салмоқли бўлиб бораётгани уларнинг ҳуқуқий мақомини таъҳид қилишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда.)

Сиёсий партиялар: ТАРҒИБОТ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда ўз олдига демократик ҳуқуқий ривожланиш йўлини танлаган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар муҳим ўрин эгаллагани ва қонунчилик бораидаги ҳатти-ҳаракатлари янада салмоқли бўлиб бораётгани уларнинг ҳуқуқий мақомини таъҳид қилишни тақозо этади.

Сиёсий партия — муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини, ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакиллари билан бирлаштирувчи сиёсий ташкилот. Демократик жамиятда сиёсий партиялар жамият сиёсий таъминининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар бевосита давлат фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда иштирок этади, давлатнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда қатнашади.

Турли мамлакатларда партияларнинг ривожланиши ҳар хил кечади. Бу ривожланиш ҳар бир давлат, миллат тарихи, сиёсий фа-

(Давоми 2-бетда.)

Парламентда



Фракция йиғилиши

унда республика Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойидаги ижроси яқунлари муҳокама қилинди

Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саломовнинг бошқарган мазкур йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Дастлаб, фракция мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойидаги ижроси яқунлари тўғрисида»ги масала юзасидан Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаевнинг маърузаси тингланди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов томонидан республикада Ҳукуматнинг 2009 йил 13 февралдаги мажли-

сида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга доир чора-тадбирлар дастурининг жорий йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилиши иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор ва мутаносиб суруятларини сақлаб қолишга қўмаклашди, — деди

нотик ўз сўзида. — Шунингдек, 2009 йилнинг асосий прогноз кўрсаткичлари баҳарлиги учун мустаҳкам пойдевор яратди. Давлат бюджетининг янги ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилганини, шу билан бирга, пул ва истеъмол бозорининг мутаносиблиги инфляция даражасини энг паст даражада (4,2 фоиз), прогноз кўрсаткичлардан ошмайдиган миқдорда сақлаб қолишга қўмаклашди.

Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 9,1 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 3,3 фоизга, хиз-



матлар кўрсатиш ҳажми 15,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 33,5 фоизга кўпайди. Маълумки, ижтимоий соҳани ривожлантириш

«Адолат» социал-демократик партиясининг бош мақсадларидан саналади.

(Давоми 2-бетда.)

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг анжуманлари залида «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур ўқув даргоҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий тамойиллари мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Авалло шунини таъкидлаш керакки, сайловда кампаниясида иштирок этаётган сиёсий партияларнинг олиб бораётган бугунги ишлари ёшларимизнинг қизиқишларида ўз аксини топишмоқда. Улар мамлакат тақдирига бефарқ эмаслар. Бунинг қизғин баҳо-мунозаралар билан ўтган давра суҳбатидан ҳам бўлиб олса бўлади.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари Юсуфжон Нишоновнинг «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташаббусларини амалга ошириш механизми»ни, Ойша Охунованин «Ўзбекистон «Адолат» СДП: электорати ва уларнинг манфаатларини» ифодаш буйича қилган маърузалари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

М.ҒАФУРОВ.

Хитой матбуоти Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташаббуслари ҳақида

Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси «Ўзбекистоннинг афғон муаммосини тартибга солиш ҳақидаги ташаббуси» сарлаҳали мақолани эълон қилди. Унда хусусан Афғонистонда мураккаб вазият давом этаётган шартларда жаҳон ҳамжамияти ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарор ҳаётни таъминлаш буйича турлича ташаббусларни илгари суришати, ана шулардан бири 2008 йилда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган БМТ шафелигида 6+3 ишчи гуруҳини ташкил этиш ташаббуси бўлгани таъкидланади.

Шунингдек нашрда таъкидланадики, «халқаро ҳамда экспертлар ҳам-қилинган Жонс Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти тадқиқотчиси, доктор Жон Дейлининг «Четдан назар: Ўзбекистоннинг Афғонистон буйича тақлифи аҳамияти ва долзарбдир» — «Афғонистон: нега «6+3»?» сарлаҳали мақоласи далил бўла олади».

Хитой газетасининг ёзишича, Афғонистонда юз берган сўнгги воқеалар, мамлакатдаги вазиятнинг янада мураккаблашуви ҳамда АҚШ аскарилари орасида қурбонлар сонининг тобора ортиб бораётгани Вашингтон янги афғон стратегиясини ишлаб чиқишга уринаётган бир пайтда афғон моҳирларини бартараф этиш йўлларида янгидан назар ташлаш зарурати юзага келганидан дарак беради. Афғонистонда АҚШ ҳарбий

Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазият прагматик жиҳатдан баҳолангани билан ажралиб туради. Шу ўринда Ж. Дейли 2001 йил 11 сентябрь фожиясидан анча олдин Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда глобал терроризм ва диний экстремизм ўчоғига айланиб бораётгани ҳақида бир неча бор огоҳлантириганини эслайди. Кейинчалик воқеалар ривожини ушбу башоратни тасдиқлади.

Хитойнинг бошқа бир нашри «Lookwe» саҳифаларида ҳам инглиз тилида ушбу масалага бағишланган мақола эълон қилинди. Унда америкалик экспертнинг қуйидаги мулоҳазалари келтирилади: «Президент Исрол Каримов мулоҳазасининг моҳияти шундан иборатки, афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайдиган, шу боис аҳолининг қашшоқлашуви ва ишсизлик билан боғлиқ бўлган афғон жамиятининг оғир ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш учун жиддий зарурат юзага келади. Бундан ташқари, Афғонистон ўзининг ноёб тарихи ва маданиятига эга бўлган кўп элатли ва кўп конфессияли давлат бўлиб, бу ерда халқ менталитети, унинг тақводорлигини ҳар томонлама инобатга олиш, уларни менсимаслик ёки топташ ўрнига, аксинча, ҳурматини жойига қўйиш тақозо этилади».

(Давоми 2-бетда.)

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

★ **НАВОИЙ.** Бу ердаги кон металлургия комбинатида «Металлургия» сўхатгоҳи қайта тикланиб, эндиликда у 200 ўринга мўлжалланди.

Янгидан «Туз гор» «Тош гор» муолажалари ташкил этилган сўхатгоҳда замонавий бассейн, сауналар ишга туширилди. Утган йили 1900 нафар киши ўз саломатлигини тиклаган мазкур масканда бу йил улар сони 2000 нафардан ошди. Ҳозир бу ерда зарарлилик ва навоийлик қончилар қатори Олмалик, Бекобод, Маржонбўлоқ, Муборак, Қува каби ўнлаб шаҳарлар фуқароларини ҳам учратиш мумкин.

★ **АНДИЖОН.** Булоқбошида ишга туширилган янги савдо мажмуаси расмларидан 1500 турдан зиёд маҳсулот ўрин олди.

Муҳими, улар асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўлиб, нархи ҳам бирмунча арзон. Мажмуада қисқа вақт ичидаёқ 1 миллион 126 миллион сўмлик савдо қилинди. Бунинг 667 миллион сўми пластик қарточкалар орқали амалга оширилди. Биргина ўтган октябр ойининг ўзида 180 миллион сўмлик маҳсулот сотилишига эришилди.

★ **ЖИЗЗАХ.** «Қишлоқ тарихи ва фаровонлиги йили» давлат дастурига кўра Зомин тумани қишлоқларида 40 минг квадрат метр ҳажмда яқка тартибдаги уй-жойлар қурилади.

Уларни тиклашда «Зомин-қурилиштаъмир», «Дашт-обод-маҳсул қурилиштаъмир» каби иштирокчилар иштирок қилган фирмалар бунёдкорлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, туманда қишлоқ аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Зомин — Бешкуби, Зомин — Ём, Зомин — Қултепа йўналишларидаги автомобиль йўллари қайта таъмирланиб, транспорт қатновлари йўлга қўйилди.

★ **НАМАНГАН.** Вилоятдаги 225 та ҚВП — қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Қишлоқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш йўлида барча ҚВПлар кўча электродиагностика, сўнгий нафас олдирини аппаратлари, махсус музлаткич ҳамда янги мебеллар билан таъминланди. Бунинг учун 115 миллион 845 минг сўмлик маблағ сарфланди. Йил охирига қадар яна 20 та ҚВП шундай имкониятга эга бўлади.

★ **ХОРАЗМ.** Хивадаги «Қасанчиликни ривожлантириш маркази» ташаббуси билан туманининг Жўраб қишлоғида қасанчи аёллар устaxonаси ташкил этилди.

Устaxonасида 40 нафар бичкичи, тикувчи, зарду каби касб-корга эга хотин-қизлар жалб этилиб, уларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчалари очилди. Утган бир ой ичида бу ерда 8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, устaxonа қошида ёшларни ҳунарга ўргатувчи махсус ўқув курси ҳам фаолият олиб бормоқда.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, КАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ADOLAT» газетасига 2010 йил учун обун бўлинг.

Нашр индексимиз — 100.

[illegible]

